

**Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги
Жамоатчилик кенгаши томонидан нодавлат нотижорат ташкилотларига
тақдим этилган давлат ижтимоий буюртмалари тўғрисида маълумот
(2025–2026 йиллар)**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 26 августдаги «Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–124-сонли Фармонининг 7-бандида ҳар йили вазирлик ва идоралар томонидан фуқаролик жамияти институтларига бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ижтимоий буюртма бериш бўйича танловлар ташкил этилиши белгиланган.

Мазкур ҳужжат асосида Сув хўжалиги вазирининг «Аҳоли томорқаларида томчилатиб суғориш, ёмғир сувларини йиғиш, сақлаш ва экинларни суғоришда фойдаланиш» мавзусида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш бўйича давлат ижтимоий буюртмасини бериш юзасидан танлов ўтказиш тўғрисида»ги 2025 йил 22 апрелдаги 73-сон буйруғи қабул қилинди. Танлов шартлари вазирликнинг расмий веб-сайтида эълон қилинди.

<https://gov.uz/uz/suvchi/news/view/49520>

Танловда иштирок этиш учун жами 20 нафар талабгордан ҳужжатлар келиб тушди.

Ишчи гуруҳ томонидан ҳужжатларни ўрганиш жараёнида Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунининг 4-моддаси 14-хатбошиси талабларига мувофиқ “Экосан” экология ва саломатлик халқаро жамоат фонди ҳамда унинг Сурхондарё вилояти ҳудудий ташкилоти, шунингдек, Қишлоқ хўжалигида инновацияларни қўллаб-қувватлаш ва инновацион технологияларни ривожлантириш жамғармаси жамоат бирлашмаси ҳамда “Агроинновация” жамғармасининг Фарғона вилояти ҳудудий бўлими томонидан тақдим этилган ҳужжатлар аффилланган деб топилиб, кўриб чиқилмади.

Танлов учун ҳужжатларни қабул қилиш муддати 2025 йил 1 майдан 30 майга қадар белгиланган эди.

“Тадбиркор аёл” халқаро ишбилармон аёллар ассоциациясининг Конимех тумани ҳудудий бўлинмаси, Ўзбекистон “Аграр соҳа аёллари” уюшмасининг Фарғона вилояти ҳудудий бўлинмаси, Республика “Истиқболли авлод” ижтимоий-ахборот марказининг Наманган вилояти бўлими, Бухоро вилояти Жондор тумани “Қозикенти” МФЙ, “Табиат ва инсон капиталини

ривожлантириш” илмий-амалий тадқиқот маркази, “World Vision” жамоат бирлашмаси, “Ҳаёт бошқаруви” Хоразм вилояти маркази, “ESKULAP” ННТ, “ҲАМРОҲ” ННТ, Республика “Истиқболли авлод” ижтимоий-ахборот марказининг Андижон вилояти бўлими ҳамда Сирдарё вилояти “Баландчақир чашмаси” ННТ ҳужжатлари белгиланган муддатдан кеч тақдим этилгани сабабли кўриб чиқилмади.

Ишчи гуруҳ белгиланган мезонлар асосида “Эколог” жамоат бирлашмаси, Сурхондарё вилояти “Аёл ва шодлик” аёллар ва ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш маркази, Ўзбекистон сув ресурсларидан мукаммал фойдаланиш “Сувчи” жамоат бирлашмаси, Ўзбекистон ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш маркази, Ўзбекистон агро ахборот инновация марказининг Сурхондарё вилояти ҳудудий бўлими ҳамда “Эскулап” ННТ томонидан тақдим этилган ҳужжатларни баҳолади.

Баҳолаш натижаларига кўра, Сурхондарё вилояти “Аёл ва шодлик” аёллар ва ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш маркази энг юқори — 11 баллни қўлга киритди.

Сурхондарё вилояти “Аёл ва шодлик” аёллар ва ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш маркази “Аҳоли томорқаларида томчилатиб суғориш, ёмғир сувларини йиғиш, сақлаш ва экинларни суғоришда фойдаланиш” мавзусида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш бўйича давлат ижтимоий буюртмасини бериш юзасидан ўтказилган танлов ғолиби деб топилди.

“Аёл ва шодлик” аёллар ва ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш маркази билан ижтимоий буюртма лойиҳасини амалга ошириш учун 99,75 миллион сўм ажратиш бўйича шартнома тузилиб, унинг ижроси таъминланди.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 26 августдаги “Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–124-сонли Фармонининг 7-бандида ҳар йили вазирлик ва идоралар томонидан фуқаролик жамияти институтларига бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ижтимоий буюртма бериш бўйича танловлар ташкил этиши белгиланган.

Бунда танловлар устувор равишда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, коррупцияга мурасасиз муҳитни шакллантириш, шунингдек, таълим, тиббиёт, экология, қурилиш, транспорт, коммунал хўжалиги, бандлик, ижтимоий хизматлар кўрсатиш ва бошқа соҳалардаги энг долзарб муаммолар ечимига қаратилиши назарда тутилган.

Шу билан бирга, Фармоннинг мазкур бандига мувофиқ, фуқаролик жамияти институтларига тегишли соҳа ва тармоқларда мавжуд муаммоларнинг таъсирчан ечимини назарда тутувчи ташаббусли лойиҳаларни амалга ошириш учун давлат ижтимоий буюртмасини олиш тўғрисида манфаатдор давлат органига таклиф киритиш ҳуқуқи берилган.

Бунда ташаббусли лойиҳа белгиланган тартибга мувофиқ давлат органи ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши томонидан ижобий баҳоланган тақдирда, унинг ташаббускорига давлат органининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг минг бараваригача бўлган миқдорда тўғридан-тўғри шартнома тузиш йўли билан ижтимоий буюртма берилиши мумкин.

2026 йилда Сув хўжалиги вазирлигига давлат ижтимоий буюртмасини олиш бўйича 2 та нодавлат нотижорат ташкилотининг мурожаати келиб тушди.

Жумладан, “Мадад” муассаса шаклидаги нодавлат нотижорат ташкилоти 2026 йил 28 январдаги 01/48-сонли хат билан мурожаат қилди.

Мурожаатга мазкур ННТнинг сув хўжалиги соҳасида аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги ва ҳуқуқий билимларини ошириш бўйича ташаббусли лойиҳани амалга ошириш учун давлат ижтимоий буюртмасини олиш тўғрисидаги лойиҳа таклифи, давлат рўйхатидан ўтганлик ҳақидаги гувоҳнома нусхаси, устав нусхаси ҳамда қарздорлик мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотнома илова қилинган.

Лойиҳа аҳолининг сув хўжалиги соҳасидаги ҳуқуқий билимлари ва амалий кўникмаларини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни қамраб олган.

Лойиҳани амалга ошириш жараёнида аҳоли билан бевосита мулоқот шаклида семинар-тренинглар, давра суҳбатлари ва очиқ мулоқотлар ўтказилиши, ҳуқуқий қўлланмалар, буклетлар ва инфографик материаллар ишлаб чиқирилиши кўзда тутилган.

Шунингдек, ижтимоий тармоқлар ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари орқали сув хўжалиги соҳасига оид ҳуқуқий мавзуларда мақолалар, чиқишлар ва видеороликлар жойлаштирилиши режалаштирилган.

Лойиҳа бюджети келишув асосида алоҳида сметада тақдим этилиши ва унда лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўлган барча харажатлар, жумладан, мутахассислар гонорари, ўқув материаллари, ташкилий харажатлар, транспорт, алоқа ва бошқа харажатлар акс эттирилиши маълум

қилинган. Бироқ жалб қилинадиган маблағларнинг аниқ миқдори кўрсатилмаган ва у келишув асосида белгиланиши қайд этилган.

Шунингдек, “Юксалиш” ҳаракати ҳам 2026 йил 3 февралдаги 75/26-сонли хат билан мурожаат қилди. Мурожаатга лойиҳа концепцияси ва бюджети илова қилинган.

“Юксалиш” ҳаракати сув хўжалиги соҳасидаги кенг кўламли трансформация жараёнларини, тизимнинг замонавий ва тежамкор соҳага айланаётганини ҳамда ресурсларни бошқаришдаги шаффофликни акс эттирувчи “Янги Ўзбекистонда сув хўжалиги трансформацияси” номли тақдимот видеоролигини тайёрлашни таклиф этган.

Лойиҳа орқали жамият ва бизнес вакиллари сув ресурсларига эҳтиёткорона муносабатда бўлишга сафарбар этиш назарда тутилган.

Лойиҳа концепциясида видеороликни “Юксалиш” ҳаракатининг расмий ахборот каналларида, бош ахборот канали – “Ўзбекистон 24” телеканалларида ҳамда ҳудудий телеканалларда эфирга узатиш режалаштирилган.

Режалаштирилган медиакампания натижасида 2 миллиондан ортиқ аҳолини қамраб олиш кўзда тутилган. Лойиҳа бюджетида лойиҳани 1,5 ой муддатда амалга ошириш назарда тутилган.

“Янги Ўзбекистонда сув хўжалиги трансформацияси” номли тақдимот видеоролигини тайёрлаш харажатлари жами 88 миллион 952 минг 819,2 сўмни ташкил этиши кўзда тутилган.

Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашининг 2026 йил 18 февралдаги 2-сонли йиғилиш баёнига мувофиқ “Юксалиш” ҳаракатининг давлат ижтимоий буюртмасини олиш бўйича “Янги Ўзбекистонда сув хўжалиги трансформацияси” номли тақдимот видеоролигини тайёрлашга қаратилган ташаббусли лойиҳаси ижобий баҳоланди.

Лойиҳани амалга ошириш учун вазирликнинг Сув хўжалигини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан 88 миллион 952 минг 819,2 сўм маблағ ажратиш маъқулланди ҳамда мазкур миқдордаги маблағни ажратишни назарда тутувчи тўғридан-тўғри шартнома тузилди.

Шартнома асосида “Юксалиш” ҳаракати билан сувдан фойдаланиш маданиятини юксалтириш, соҳада коррупцияга қарши курашиш, шаффофлик ва очиқликни кучайтиришга қаратилган маънавий-маърифий тадбирлар ҳамкорликда амалга оширилди.

Видеороликлар:

Янги Ўзбекистон сув хўжалигининг ривожланиши

<https://t.me/TGminwater/50234>

Сувни асраш — келажакни асрашдир!

<https://t.me/TGminwater/50318>

Ҳисобот берувчи: Шуҳрат Суюнов,

**Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги
Жамоатчилик кенгаши раиси ўринбосари**